МУРАББИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ

Тураев Абрар Салохиддинович, Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: мураббий, маънавият, ёшлар, тарбия, қадрият, тарих, таълим, миллий қадриятлар, миллий ғоя

Ҳаёт ҳақиқати шундан далолат берадики, дунёдаги барча билим ва тажрибалар, сўз, тушунча, тасаввур ҳамда хулосалар бевосита ё билвосита инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, ривожланади, бойиб, такомиллашиб боради ёхуд аксинча – эскириб, умрини ўтаб, заволга юз тутади. Айни пайтда жаҳонда шундай бир буюк ҳодиса борки, у токи одамзотнинг онгли ҳаёти мавжуд экан, ҳеч қачон завол билмайди. Шунинг учун ҳам уни ўта ноёб – феноменал ҳодиса деб атаймиз. Бу – соғлом фикрлайдиган, эзгу орзу – умидлар билан яшайдиган инсон ва жамият томонидан ҳамма замонларда ҳам қадрланиб келган маънавиятдир.

Маънавият ҳодисаси юртимиз ва жаҳон илми-фанига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз меъросида ҳамда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида тарих ва бугунги кун, инсон, халқ ва миллат категориялари, миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар, анъаналар, ижтимоий институтлар билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур таҳлил қилиниб, инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч эканлиги ёритилиб берилган.

Дарҳақиқат, инсон маънавият орқали тарихни, бугунги куни ва келажагини тасаввур қилиш, баҳолаш ва шу тариқа зарур сабоқ ва хулосалар чиқариш имконига эга бўлади. Инсон маънавият туфайли камолотга эришади, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл – юрт фаровонлиги учун жон куйдиради, эзгу ғоя ва ниятлар билан бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлади. Инсонда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик, эътиқод, ватанпарварлик, миллий ва инсоний туйғу, бурч ва маъсулиятни ҳис қилиш имконияти қанчалик кучли бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгаяди, тинчлик – осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлади. Бундай инсонлар қанча кўп бўлса, жамият шунча баркамол бўлади, илм – фан, маданият ривож топади.

Ана шу ҳақиқат мантиғидан келиб чиқиб, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги Ўзбекистон учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа қилиб белгиланди ва бу эзгу мақсад йўлида амалга

оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъийлик билан давом эттириш мазкур соҳадаги асосий мезонга айланди.

Мураббий ўз фаолиятида миллатимиз фахри бўлган - Беруний, Форобий, Амир Темур, Улуғбек, Марғиноний, Мотуридий, Алишер Навоий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Озод Шарафиддиновларнинг маънавий мероси ва жасорати, миллий маънавиятимизга даҳлдор урф – одатлар, байрамлар, шунингдек, инсон, онг, ҳаёт, бурч, маънавий идеал, даҳолик сирлари, Нобель мукофоти лауреатлари, тинчликпарвар сиёсатчилар фаолияти, спорт, бўш вақт, экомаданият, диний ғоялар, мафкуравий иммунитет, ҳуқуқий саводхонлик, фуқаролик ахлоқ – одоб қоидалари, мустаҳкам оила тамойиллари хўжалиги хусусидаги масалаларга алоҳида эътибор бериб бориши лозим. Буларни ўрганиш ва ибрат олиш, ихлос қўйиш орқали ёшлар қадриятлар асосида тарбияланади, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни асраб – авайлаш, шу халққа мансублиги билан ғурурланиш туйғулари шаклланади ва қарор топади.

Бу борада миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тамойилларни аниқ – равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб – авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш энг устувор вазифа ҳисобланади. Масаланинг бу тарзда қўйилишининг асосий сабабини кўрсатиб, Ислом Каримов шундай дейди: “бугунги ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, ТВ, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг – баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган шароитда ёшлар онгини фақат ўраб – чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, улар атрофини ахборот даврида темир девор билан ўраб олиш, замон талабига, жамият мақсад – муддаоларига ҳам тўғри келмайди...Ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол барчамизни ўйлантириши табиий, Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тоборо кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай тахдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин”. Демак, ёшларни маънавий жиҳатдан шундай тарбиялаш лозимки, улар Интернет – ахборот бозорига кирганда фақат ўзи, эл-юрт учун зарур, фойдали, маънавий асосларга дахл қилмайдиган нарсани олсин.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, аввалambор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”[1].

Мазкур вазифаларни амалга оширишда ўз касбини пухта эгаллаган, педагогик кўникмаларни ўзлаштирган, юксак маънавий- маърифий сифатларга эга, тажрибали устоз ва мураббийларнинг роли катта. Чунки, мураббий таълим жараёнида шогирднинг билим ва кўникмаларига эга бўлиш билан бир қаторда, инсонийлик фазилатларининг шаклланишига ҳам эътибор қаратади, халқимизнинг, миллий, маънавий қадриятлари билан таништиради, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик иллатларидан, диний ва экстремистик таъсирлардан ҳимояланиш, “оммавий маданият” хуружларининг салбий оқибатларини англаш кабиларга ёрдам беради.

Аллома Ризоуддин Ибн Фахриддин тарбиячи ва мураббийлар вазифаси хусусида тўхталиб: “Шогирдларингизни ҳар бир ҳаракатларига қараб турингиз, уларга хуш - муомилаларни, гўзалу шафқатли одамларни тушинтирингиз, сўзларни-ю феълларини яхшилангиз, уст-бошларини, кийим - кечакларни поку назиф тутмакларида ҳақида назорат айлангиз. Ал-ҳосил ичу ташқариларига эътибор ила ҳар кимга намуна бўлурлик даражасига эриштиришингизга қадар шогирдларни тарбия этингиз. Ёмон хулқлар юқумли бўлганидан бир шогирднинг ёмон хулқи борлигини билсангиз, жумласини баробар кўриб, жумласи фойда олажак равишда ўргатингиз, фойдали ишлар, керакли адабларнинг жумласидан хабардор айлангиз,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi_198650. 29.12.2020

натижасида у режа ила иш қилмоқ, эҳтиёткорлик, поклик, кўркам тартибкўл фойдасига тиришмоқ каби хосиятларни эгаллаб олур” деган эди.

Мураббий ўз фаолиятини ташкил этишда комплекс чора – тадбирларни ўз ичига қамраб олган иш режасига эга бўлиши керак. Мураббийлар талабалар орасида маънавий – маърифий ишларни жонлаштириш, уларни ижтимоий – маънавий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун зарурий шарт – шароитларни яратишда қуйидагиларни хисобга олиши мақсадга мувофиқ:

- мавзуларини танлашда ўзига хос масъулият билан ёндашиш, тарбиявий характерга эга бўлган ва талабаларни қизиқтира оладиган муаммоларни алоҳида маҳорат билан муҳокама қилиши;

- маънавий-ахлоқий тарбия ишларида ибратли оила вакилларини, ёши улуғ инсонларни маънавий-маърифий тадбирларга таклиф этиш;

- талабаларни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, экологик, эстетик онгини ошириб бориш ва тасаввурларни кенгайтиришга эътибор бериш;

- талабаларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенлик, бунёдкорлик ва бошқа маънавий фазилатларни шакллантириб бориш;

- талабаларни мамлакатимиз ва унинг атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини ошириш;

- услубий қўлланмалар, турли мултьмедия воситаларидан унумли фойдаланиш;

- маънавий таҳдидлар ва “оммавий маданият” моҳиятини тушунтириб бориш, уларга қарши зарурий маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ва бошқа вазифаларни амалга ошириши муҳим саналади.

Мураббий томонидан талабалар ўртасида ўз - ўзини бошқариш тизимини яъни гуруҳ академик, ижтимоий - сиёсий, илмий ишлар, матбуот, маданий - маиший ишлар, спорт, бадиий - ижодкорлик, тозалик ишлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланувчи шўъбаларини йўлга қўйиш юқорида кайд этилган вазифаларни ҳал этишда кутилган самарани беради.

Ушбу шўъбаларни янада кенгайтириш, ўзгартириш талабалар ихтиёрига кўра амалга оширилади. Шўъбаларга гуруҳнинг бир неча талабалари аъзо бўлишлари мумкин. Масалан, матбуот шўъбасига мақола ёзадиган, расм чизадиган, шеър ёзадиганларни аъзо қилиш мақсадга мувофиқ. Шўъбаларнинг таркиби, йиллик иш режалари гуруҳ йиғилишларида кўриб чиқилади, муҳокама этилади ва тасдиқланади. Уларга маънавий -маърифий ишлар бўйича факультет декан муовини, жамоатчилик ташкилотлари, гуруҳ мураббийси раҳбарлик қиладилар, уларга яқиндан ёрдам кўрсатиб, услубий тавсиялар берадилар. Натижада, гуруҳ талабалари ўртасида ўз-ўзини бошқариш ишлари йўлга қўйилади. Гуруҳ йиғилишларида ҳар бир шўъба

ҳисобот беради, бажарилган ишлар ва муаммолар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Масалан, гуруҳнинг академ шўъбаси раиси талабаларнинг давомати ва ўзлаштиришлари ҳақида тўлиқ маълумот тўплайди. Бу ҳақда ўз фикр ва мулоҳазаларига эга бўлади, гуруҳ раҳбари ва деканатга зарурий маълумотлар беради. У дарс муҳокамаларига талабаларнинг ота-оналарини гуруҳ йиғилишларига таклиф этади. Бошқа шўъбалар ҳам ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, режа асосида иш юритадилар. Жумладан, гуруҳ талабаларининг турмуш тарзи, яшаш шароити, оилавий аҳволи, ижарада турувчилар билан ишлаш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шўъбалар фаолияти орқали талабалар ўртасида илмий ишларга, спортга, бадиий фаолиятга, ижтимоий – сиёсий масалаларга, матбуотда мақолалар чоп эттиришга, деворий газеталар чиқаришга қобилияти, қизиқишлари бўлганларга зарурий шарт – шароитлар яратади.